



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 1 октябрь, № 194 (6629)

Шанба

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ҲҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадри устоз ва мураббийлар! Авваломбор, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни бугунги кўтуғ айём — Ҳқитувчи ва мураббийлар кўни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилакларимни изхор этаман.

Ушбу сана бундан 19 йил олдин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк Юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан эл-юртимизнинг сизларга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромнинг амалий ифодаси, умумхалқ байрами сифатида таъсис этилганини албатта ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиши келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шарти деб билган, сизларга ўзининг энг яқин маслақдошлари сифатида катта ишонч ва ҳурмат билан қараган Юртбошимизнинг ўзлари ҳам барчамиз учун меҳрибон устоз, талабчан мураббий эдилар.

Ислон Абдуғаниевич Ватани-

мизни буюк муҳаббат билан севиш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш, бу йўлда бор билим ва тажрибамиз, бутун борлигимизни сафарбар этиш борасида биз учун юксак ибрат мактабини яратиб кетдилар.

Жаҳон ҳамжамиятида “Ўзбек модели” деб тан олинган тараққиёт стратегиямизнинг ажралмас қисми бўлган замонавий таълим-тарбия тизими асос солган, бу соҳани давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтариб, унинг ривожланиш йўлларини аниқ белгилаб берган, “Бутун Ўзбекистон болалари — менинг азиз фарзандларим” деб уларни ҳаммаиз эъзозлаган Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг ўлмас тарихий хизматларини бугунги ва келгуси авлодлар доимо чуқур миннатдорлик билан ёдга олади.

Улуғ устозимизнинг эзгу ғоя ва васиятлари асосида таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислохотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга

қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиз бўлиб, биз бу йўлда биринчи навбатда сиз, азизларга, сизларнинг билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар! Сизларнинг ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, комил инсон этиб вояга етказиш йўлидаги бекиёс хизматларингизни барча отаналар, жамоатчилигимиз, бутун халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни пайтда бугунги кунда олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, унинг нафақат давр билан ҳамоханг бўлишини, балки замондан олдинда юришини таъминлаш, педагог кадрларни

тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг илғор усулларида кенг фойдаланиш, бу ишларни хориждаги нуфузли марказлар билан ҳамкорликда олиб бориш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ўқитувчи ва домларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини ҳар тарафлама рағбатлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш, қисқа қилиб айтганда, ҳаётимизга катта куч бўлиб қираётган янги авлодимизни камол топтириш учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар сафарбар этилади.

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Сиз, азизларни 1 октябрь — Ҳқитувчи ва мураббийлар кўни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу баракка, ҳаётда ва меҳнат фаолиятингизда бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
вазифасини бажарувчи

## «СИЗ ДОИМО ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДАСИЗ»

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислон Каримовнинг вафоти муносабати билан мамлакатимизнинг олий ҳокимият идораларига, оммавий ахборот воситалари таҳририятларига олис ҳамда яқин шаҳар-қишлоқлари-мизда яшаб, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз томонидан йўлланган, чуқур изтиробга йўғрилган мактубларда ана шу фикр алоҳида таъкидланади.

Ўз ҳаёти ва фаолиятини она юртимиз мустақиллиги ҳамда равнақи, халқимиз, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмағи яшаши учун бағишлаган улуғ Юртбошимизнинг вафоти бугун дунёда чуқур қайғу ва ҳамдардлик туйғуларини билан қутиб олинди. Жаҳондаги кўплаб давлатлар бошлиқлари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли давлат ҳамда жамоат арбоблари, оддий фуқаролар Ислон Каримовни дунё сиёсат майдонидан ёрқин ва бетакрор шахслардан бири сифатида эътироф этиб, унинг ўлмас хотирасини юксак ҳурмат-эҳтиром билан ёд этмоқдалар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳи олдида жаҳондаги ана шу энг нуфузли ташкилот байроғи туширилиб, унга аъзо мамлакатлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган БМТ Бош ассамблеяси 71-сессиясида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирилиб, бир дақиқалик сукут сақлангани ва беш қитъа вакиллари мустақил Ўзбекистон давлати асосининг фаолияти ҳақида маъруза қилгани улуғ йўлбошимизга дунё аҳли томонидан кўрсатилган эҳтиромнинг олий намунаси бўлди.

Нафақат Ўзбекистон халқи, қўшни, қардош халқлар ўртасида, балки бутун жаҳон ҳамжамиятида мана шундай катта обрў-эътибор толган Президентимизнинг сўнмас хотираси, эл-юртини ўйлаб олиб борган жўшқин фаолияти, амалга оширган буюк ишлари, бизларга, келгуси авлодларга васият бўлиб қолган эзгу ғоя ва мақсадлари йиллар, асрлар ўтса-да, доимо халқимизнинг қалбида, юрагида яшайди.

Шу кунларда ватандошларимиздан ўз Юртбошимизга улкан меҳр ҳамда миннатдорлик туйғуларини билан битилган мингмиглаб хатлар келмоқда. Бу кўпни кўрган, оқибатли халқимизнинг буюк ва беназир фарзандини қанчалик севиб ардоқлаганидан, бошимизга тушган оғир жудодикдан қанчалар куйиниб, дард чекаётганидан далолат беради.

Ана шу мактубларда нуроний оқсоқолларимиз, мўътабар оналаримиз, описингилларимиз, ёш йигит ва қизларимиз — 32 миллионли бугун Ўзбекистон халқининг изтиробли овози баралла эшитилиб турганини ҳис этиш мумкин.

Мактубларнинг барчасида ўзбек халқининг буюк фарзанди Ислон Каримовга хос эзгу ва олижаноб фазилатлар, Биринчи Президентимиз фаолиятининг энг муҳим қирралари, унинг Ўзбекистон мустақиллигига эришиш ҳамда истиқлолимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, миллатимизнинг эгилган қаддини, топталган қадрини тиклаш борасидаги тарихий хизматлари, мамлакатимиз тараққиёти, эл-юртимиз фаровон-

лиги йўлида кўрсатган бекиёс фидойилиги эҳтиром билан ёдга олинади. Ўзбекистон қўлга қиритган оламшумул ютуқлар у кишининг номи билан бевосита боғлиқ экани алоҳида таъкидланиб, муборак хотирасини абадийлаштириш бўйича тақдирлар билдирилди.

“Мен Биринчи Президентимиз вафоти ҳақидаги машўм хабарни у киши Тошкент шаҳри кўчалари орқали сўнгги манзил — Самарқандга кузатилганидан кейин эшитдим, — деб ёзади электрон мактуб йўллаган юртдошимиз Акмал Халилов. — Шунга ҳаммаси аввалгидек бўлишига қаттиқ ишонган эдим. Хабарсиз қолганим, бу улғусиймо хотираси олдида таъзим қилишга, ҳурматимни бажо келтиришга улғура олмаганим армон бўлиб қолди...”

Ҳақиқатан, у авлиё инсон, ўзбек халқимизнинг раҳнамоси эди. У бизнинг келажакимиз, тинч, обод ҳаётимиз ва тараққиётимиз учун ҳамма ишни қилди. Қалбимиздаги тўғённи кимга айтишни билмаёман. Изтиробдамиз”.

Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳридан Бунисо Раҳимова бундай ёзади: “Узоқ вақтдан бери жигар хасталиги билан оғрийман. Лекин юрагимга яқин бўлиб қолган инсонни йўқотиш ҳар қандай дарддан ҳам оғир бўлар экан. Хунук хабарни эшитиб, кўзёшим тўхтама-япти, қийналаяман... Сизларга хат ёзмаман, ичимни бўшатмасам, бўлмайди, оғриқ кетмайди. Мен албатта Самарқандга бориб, у кишининг муборак қабрини зиёрат қиламан. Юртбошимиз юрагимиз тўридан жой олган эди, тоабад шундай бўлиб қолади...”

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида яшовчи Р. Кудиярова ўзининг изтиробли кечинмаларини куйидагича ифодалади: “Буюк ва бетакрор Президентимизнинг оламдан ўтиши бизни чуқур қайғуга солди. Муҳтарам Юртбошимиз қисқа вақт ичида юртимизнинг олтин даврини яратди. Бунга узокдан мисол излаш шарт эмас. Эшик ҳатлаб кўчага чиқишимиз билан бундан дарров ҳис этамиз. Кўчамизда кўпчилик биладиган, мустақиллик йилларида янада кўркамлашган Савицкий номидаги музей ва кўп қаватли замонавий тураржой биноларини олайлик. Умуман, шу даврда Нукуснинг ҳар бир кўчаси, мавзе ва маҳалласи обод бўлди. Қорақалпоғистон мустақиллик йилларида гуллаб-яшнади. Биз бунини миннатдорлик билан эслаймиз ва барчаси учун бу улғу зот олдида таъзим қиламиз”.

(Давоми 2-бетда).

### САЙЛОВ — 2016

Мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонасида юртимиз ҳаётида қутилаётган муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

## Ўзбекистоннинг сайлов тизими демократик талабларга тўла жавоб беради

Малайзия ижтимоий-сиёсий ва илмий тадқиқот доираларининг таниқли намояндалари, соҳага алоқадор муассасалар, йирик савдо ҳамда ишлаб чиқариш компаниялари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтган тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси миллий сайлов тизими ошқоралик, очиқлик, тенглик, шаффофлик сингари демократик тамойилларга таянади. Шу йилнинг 4 декабрь кўни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ҳам ана шу тамойиллар устуворлиги ҳамда сайлов қонунчилигимиз талаб ва меъёрларига мувофиқ ҳолда ташкил қилишга пухта тайёргарлик кўрилаяпти.

Давра суҳбати қатнашчиларига шулар ҳусусида батафсил маълумот берилди. Тадбир якунида “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Улардан бири, “RHA Sdn. Bhd.” ноширлик уйи асосчиси ва бош ижрочи директори Рамачандран Ражендран Ўзбекистонда демократик талабларга тўла жавоб берадиган замонавий сайлов тизими яратилгани, мамлакат фуқароларининг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминлайдиган ҳамда халқаро сайлов меъёрлари ва тамойилларига мос сайлов қонунчилигининг асоси шакллантирилганини айтиб ўтди.

(Давоми 3-бетда).

## Энг улуғ ва шарафли касб эгаларига юксак эҳтиром



### 1 ОКТАБРЬ — ҲҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КўНИ

Инсон камолотида унинг қўлига илк бор қалам тутқазган, харф ўргатган, маърифат ва зиё сари етаклаган Ҳқитувчи ҳамда мураббийларнинг хизмати бекиёс. Борлиқни англаш, илм-фан сирларини эгаллашда барча бирдек бу шарафли ва масъулиятли касб эгалари кўмагига таянади. Шу боис устозларга

бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғуси киши қалбига умрбод муҳрланади.

Таъкидлаш жоиз, истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим соҳасини тубдан ислохот этиш масаласига давлат сиёсатининг энг устувор йўналишидан бири сифатида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Респуб-

ликаси Биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши баркамол авлодни тарбиялашга пухта замин яратди.

(Давоми 3-бетда).

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ КўРИБ ЧИҚДИЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар томонидан “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳолатманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Даставвал Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг йиғилишлари ўтказилиб, уларда қўйилган палата мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилган эди.

Вазирлар Маҳкамаси томо-

нидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган мазкур қонун лойиҳаси аҳолининг ҳолатманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини белгилаш,

шунингдек, ушбу соҳада дав-

лат ҳамда нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, ижтимоий ҳимоя соҳаси тизимидаги асосий тушунчаларни белгилашга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг комплекс тизими яратилган. Шунингдек, бугунги кунда аҳоли-

га ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёни бир қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиб келинмоқда. Шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ижтимоий хизматлар кўрсатилишини ташкил этишга тизимли ёндашув талаб қилинишини кўрсатди. Кўриб чиқилган қонун лойиҳаси айнан шу мақсадга хизмат қилади.

— Социал-иқтисодий ислохотлар чуқурлашаётган ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаёт модернизациялашаётган шароитларда кексалар, ногиронлар

ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳолатманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг имкон қадар манзилли бўлишини қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, — дейди Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Нодир Мухторов. — Қонун лойиҳаси долзарб ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг ҳолатманд тоифалари манфаатларини қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаш, уларга кўрсатиладиган моддий ҳамда маънавий

(Давоми 3-бетда).

# «СИЗ ДОИМО ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДАСИЗ»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган пировард мақсад халқимизнинг тинч ҳамда фаровон ҳаёт кечириши, унинг шу заминнинг ҳақиқий эгаси бўлиб, кўксини баланд кўтариб, ғурур-ифтихор билан яшашини таъминлашдан иборат эканини қайта-қайта таъкидлар эди. Ана шундай ёндашув асосида “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун” деган ҳаётбахш шиор Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мустақиллигимизнинг меъмори ва ижодкори бўлган буюк Йўлбошимиз мамлакатимизнинг чорак асрлик мустақил тараққиёти давомида унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маърифий пойдеворини яратиб ҳамда мустақамлашга бевосита раҳбарлик қилди. Юртдошларимиздан келаётган кўплаб мактубларда ана шу сиёсат натижасини уларнинг ҳар бири ўз ҳаёти, фарзандлари, яқинлари, оила-си тақдирини кўриб, ҳис этиб, бунинг учун азиз Юртбошимизга юрак-юрақдан самимий миннатдорлик билдиришни ўзининг инсоний бурчи, деб ҳис қилаётганини аниқлашди.

Навий вилояти, Хатирчи тумани, Лочин қишлоғида истикомат қилувчи Акбар Товмуродов ўз фикрларини қозоғига шундай туширган: “Биз учун ҳар кунги тинч ва осойишта ҳаёт табиийдек, ўз-ўзидан бўлаётгандек туюлади. Лекин бунинг хотиржамлик замирида Ислом Каримовнинг машаққатли меҳнати, чексиз заҳмати, айна пайта узқони кўзлаб олиб борган доно сиёсати мўжассам эканини бошимизга тушган мана шу оғир айрилиқ кунларида чуқур англаб, яққол сезиб турибмиз.

Йўлбошимиз Ўзбекининг ориятини, ғурурини қайта уйғотди, кўқларга кўтарди. Биз қандай буюк аждодларнинг авлоди эканимизни дилимизга жойлади. Улуғ бобокалонларимиз — Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Маргиноний, Пахлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, соҳибқирон Амир Темур каби ўнлаб, юзлаб аждодларимиз, аллома ва мутафаккирларимизнинг муборак номларини улуғлади, маънавиятимизни тиклади. Ўзбекини, Ўзбекистонни дунёга танитди.

Бугунги кунда виждон эркинлиги сабаб ҳар биримиз бемалол муқаддас динимизга эътиқод қилмоқдамиз, хонадонларимизни Қуръони карим нурулари мунаввар айлади, қалбларимизга иймон-эътиқод қайтди. Юртимизда ҳалол меҳнат қилган ҳар бир инсон меҳнатидан роҳат, ҳузур-ҳаловат топмоқда. Мана, бир мисол, менинг ҳамқишлоғим, биринчи гуруҳ ногирони ерга меҳр қўйиб, деҳқончилик қилди. Туну кун даладан бери келмасдан, ўзини аямади, оромидан кечди. Йил якунида мўл ҳосил кўтарди. Ҳалол тер тўкиб меҳнат қилган кам бўлмайди, албатта. Ҳамқишлоғим ҳам меҳнатига яраша мўмай даромад олди, яхшигина фойда кўрди. Бир йилда оиласига “Нексия” автомашинаси олди.

Буларнинг барчаси Ислом Каримовнинг юртимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бергани, соҳибқор миришкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани, у кишининг раҳнамолигида мамлакатимизда деҳқон ва фермерлар учун яратиб берилган кенг имконият ва шароитларнинг, Ўзбекистонда қарор топган адолатли ва оқилона сиёсатнинг натижаси эмасми?!

Ҳеч шубҳасиз, шундай. Ҳақиқатан ҳам, Ислом Каримов даврида ўзбек деҳқонининг елкасига офтоб теғди. Ўзбек деҳқони шу буюк Йўлбошимиз туфайли рўшнолик кўрди. Мустақил тузум даврида Ўзбекистон улкан империянинг чекка ўлкаси сифатида Марказга хом ашё етказиб берадиган қолоқ республикага айланган қолгани, ҳудудсиз пахта далаларида юзи сарғайиб, бели букчайган деҳқоннинг қосаси ҳеч қачон оқармагани асло хотирамиздан ўчмайди”.

Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидан йўлланган хатда ҳам шу маззу давон элтирилган. “Акбар” фермер ҳўжалиги раҳбари Ш. Қурбонов кўнгли кечинмаларини ёзади: “Мухтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбек деҳқонининг меҳнати — бу

ҳақиқий қахрамонликдир, деб айтишдан мен ҳеч қачон чарчамайман. Ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматқаш ва миришкор инсонларни дунёда топишнинг ўзи қийин” деган сўзларини доимо қалбимда асраб юрман. Бу сўзлар худдики менга қараб айтилгандек бўлаверади ва доим кўнглимда акс садо бериб, кучимга куч, гайратимга гайрат кўшилади.

Йигирма йиллик фермерлик фаолиятим мобайнида Ислом Каримов раҳнамолигида бошланган, бизнинг қишлоқ ҳўжалигимиз учун буюк тарихий бурилишни бошлаб берган фермерлик ҳаракати бугунги кунда қишлоқларимизда қандай етакчи кучга айлангани, чўп сўкса, шигил ҳосил берадиган дарахт бўлиб униб-ўсадиган унумдор ер-тупроғимиз ҳақиқий эгаси — чин деҳқоннинг қўлига ўтгани туфайли бозорларимиз мўл-кўл. Турмушимиз кундан-кунга фаровон бўлиб, одамларимиз ҳар томонлама бойиб бораётганини ўз тақдиринг, оиламининг ҳаёти мисолида исботлаб беришим мумкин.

Юртбошимизнинг “Қишлоқ тараққий этса, мамлакат обод бўлади” деган даъвати ҳозирги кунда бутун мамлакатимизни қамраб олди. Бу улуғ зот халқимизнинг фидойи фарзанди сифатида Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида ўзини сира аямади. Президентимизнинг вафоти барчамизни чуқур қайғуга солди, бошимизни эгиб қўйди. Лекин дилимизда шундай бир таскин борки, у кишининг гоилари, бизга қолдирган ўғитлари, сўнмас хотираси доимо биз билан бирга, ҳамisha йўлимизни ёритиб туради”.

“Улкан азму шижоат, жасорат, мардлик ва бағрикенглик фазилатлари соҳиб бўлган Ислом Каримов республикамизга раҳбар бўлиб келганидан сўнг асрий истибоддга барҳам берилди, — деб ёзади Самарқанд вилояти, Нурабод тумани, “Жом” қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Эштурди Раҳимов. — Халқимизнинг руҳи кўтарилди, эртанги кунга, ёруғ истиқболга умид ва ишонч пайдо бўлди. Одамларимиз ботир ва олижаноб раҳбарнинг ортидан эргашди. Мустақилликка эришган мамлакатимизда Юртбошимиз эътибор қаратмаган бирон-та соҳа қолмади. Натижада 25 йил ичида давлатимиз ҳар жиҳатдан оёққа турди, ривожланиб босқичига кирди, эришган натижа ва ютуқлари билан дунё ахлини ҳайрон қолдира бошлади. Бунинг билан ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ”.

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!” — Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти бу шиорни барчамиз учун буюк мақсадга, ҳаёт мезонига айлантирган эди. Ислом Каримов томонидан 1997 йили мамлакатимизда собиқ тузумдан қолган, ўзини оқламаган таълим тизимини тубдан ислох қилишга, ёшларни миллий ҳамада умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга, ҳар томонлама билимли, соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказишга қаратилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди.

Мазкур дастур муваффақиятли амалга оширилиши натижасида юртимизда замонавий талабаларга жавоб берадиган, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими яратилди. Бугунги кунда 10 мингга яқин тубдан реконструкция қилинган ва янгитдан қурилган мактаблар ва 1 минг 500 дан зиёд академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари, 300 га яқин болалар мусика ва санъат мактаблари, қарийб 2200 та болалар спорт иншоотлари ўқувчилар ихтиёрида. Мактаб, лицей ҳамда коллежларимиз ўқувчилари, олий ўқув юрлари талабалари учун “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада ўйинларидан иборат уч босқичли спорт мусобақаларининг ягона тизими ташкил этилгани юртимизда ҳар томонлама соғлом ҳамда баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Келаётган хат ва номамларда давлатимиз раҳбарининг ёшларга юксак меҳри ҳамда эътибори, шу йўлда қилган буюк хизматлари алоҳида эсга олинади. Ҳоразм вилояти, Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи Қадим Хусайнов ёзади: “Ушбу хатни кўзёшларим билан ёзаёман. Биз ёшларга Ислом Каримов нафақат



Юртбошимиз, балки отамиздек азиз ва қадрли эди. У кишининг қўллаб-қувватлаши, қалб меҳрини ҳар қадамда сезиб турар эдик. Ҳақиқатан ҳам, бутун Ўзбекистон фарзандлари — бу улуғ инсоннинг фарзандлари эди.

Кўхна ўзбек диёри Ислом Каримовнинг машаққатли меҳнати, оқилона сиёсати билан дунёга танилди. Биз, ёшлар у киши бошлаб берган шонли йўлни олишмай давом эттираемиз, Ўзбекистонни кўз қорачигидек асраймиз. Бу — буюк инсоннинг руҳи поки олдидаги барчамизнинг бурчимиз ҳисобланади...”

Янгийўллик меҳнат фахрийси Саиджон Кабировнинг фикрлари ҳар бир кишини чуқур ўйга толдиради: “Ислом Каримов вафоти ҳамма қатори бизнинг оиламиз, шахсан ўзим учун оғир жудодик бўлди. Бу улуғ инсон қалбимнинг тўридан мустақам жой олиб, отамдек қадрдон бўлиб қолган эди.

Мен ёшлигимдан улуғ зотларнинг ҳаёт йўллари, уларнинг ғоя ва қарашлари ёзилган асарларни ўқишга қизиқаман. Умрини ўз халқининг озодлиги ва ободлигига бағишлаган Юртбошимизнинг ўлкамизга раҳбар бўлиб келган илк даврдан шу бугунги кунга қадар қилган барча маърузалари, китоблари хонадонимдаги мўъжаз кутубхонамдан жой олган. Бу инсон ўз халқи, ўз юрти учун ёниб яшади.

Айниқса, ўсиб келаётган фарзандларимизнинг баркамол авлод бўлиб етиши йўлида барча шарт-шароитларни яратиб, юртимизнинг бугунги ва келажак буюк бўлиши учун беқиёс ҳисса қўшди. Юртимиз бошига тушган оғир синовли кунларда кўксини қалқон қилиб, халқимизнинг тинчлиги йўлида ўзини аямаган элимизнинг содиқ фарзандларини номи қалбларимизда абадий қолади”.

Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Дилдор Турдиевнинг сатрларини ҳам ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди: “Бизга ўхшаган чин етимлар Сиз туфайли, Сизнинг халқпарвар, одил сиёсатингиз сабабли ҳеч қимдан кам бўлмай вояга етдик. Ейишда, кийинишда, таълим-тарбия олишда камчилиқ кўрмадик. Отамиз ҳам, онамиз ҳам Сиз бўлдингиз. Биз Сиздан миннатдоримиз, қарздоримиз, бобожон! Берган тарбиянгиз, кўрсатган меҳрингиз ҳақи-ҳурмати биз Ватанимиз, унинг тинчлиги, фаровонлиги учун боримизни, керак бўлса, жонимизни берамиз”.

“Ободлик кўнглидан бошланади” деган олижаноб даъват халқимиз қалбидан чуқур жой олганини бугун барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Ана шундай ёндашув асосида вилоятларимиз марказлари, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, замонавий кўриниш олди. Мустақиллик йиллари юртимиз учун том маънода бунёдкорлик даври бўлди. Хат муаллифари амалга оширилган барча қурилиш ва ободончилик ишларининг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида ҳақли

ги, рўзгорларнинг бутлиги учун хизмат қилади. Олтириқлик Озодахон Ҳамролиева Президентимиз Ислом Каримовдан мустақил Ўзбекистон деган муазам бир боғ қолганини таъкидлайди: “Ота-онамдан эрта айрилган эдим. Сиз ота-онам эдингиз, Сизнинг эътибор ва ғамхўрлигингизни доим ҳис қилиб яшадим. Мана, Сизни ҳам йўқотдим. Юрагим ҳувитлаб қолди, ёлғизлигим роса билина-япти. Сизни Тошкент кўчалари бўйлаб сўнги манзилга олиб кетаётганини телевизорда кўрдим. Бораётган йўлингиз халқимиз тутган гулларга тўлиб кетди. Сизни ҳамма яхши кўришига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Мен ҳам, барча халқимиз ҳам кимни, қандай улуғ инсонни йўқотганини ўша онларда чуқур ҳис қилди. Барчамиз қон йиғладик...”

Машиналар сафи кўприкка етиб келганида экранда сизнинг “Биздан овоз ва обод Ватан қолсин” деган даъватингиз ёзилган ёзув кўринди. Отажон, Сизнинг ҳаётингизнинг маъно-маъмуни ифодаланган битик эди бу. Сиздан овоз ва обод Ватан — Ўзбекистон қолди...”

Буюк Юртбошимиз хотирасига мурожаат тарзида ёзилган хатлар орасида муаллифларнинг самимий кўнгли кечинмалари шеърый йўл билан ифодаланган хатлар ҳам кўп.

Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрида яшовчи 64 ёшли онахон Шарофатхон Мадалиева кўнглидаги қайғу ва изтиробли ҳис-туйғуларини бундай ифода этади:

*Баланд тоғлар паст бўлганга ўхшайди-ку, отажон!  
Вафотингиз дост бўлганга ўхшайди-ку, отажон!  
Кўз ёшларим қуримайди энди сира, отажон!  
То тирикман, унутмайман, меҳри дарё отажон!*

Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Азиза Икромова ҳам дил сўзларини шеърый сатрлар орқали баён қилади:

*Бу кун қалбимизда, кўзимизда ёш,  
Гўё қўқдан кетди порлаган қуёш.  
Элим деб, юртим деб яшаган инсон,  
Наҳотки йўл олди сўнг манзил томон.*

*Яратганинг олдида ёруғ юзингиз,  
Биз учун ибратдир босган изингиз.  
Қалбларда сақлаймиз ҳар бир сўзингиз,  
Ўттиз икки миллион халқ — ўғил-қизингиз.*

Ватандошларимиздан келаётган аксарият хатларда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан юксак салоҳият ва бой таъриба асосида, мамлакатимиз ҳамда халқимизнинг ўзига хос ҳусусиятлари, шу билан бирга, дунёдаги ривожланган демократик давлатларнинг тараққиёт йўлини чуқур таҳлил этиш орқали давлат ва жамият бошқаруви соҳасида ҳар томонлама пухта тизим яратилгани ҳамда бу тизим бундан буён ҳам самарали фаолият кўрсатишига ишонч билдирилган.

“Юртбошимиз вафот этган кунларда барча ўзбекистонлик, бутун миллият ғамга ботди, мотам қилди, ўзбек замини қайғуда қолди, — деб ёзади Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи Дилфуза Халлоқова. — Ватани, халқи учун яшаб, умрини шу йўлда фидо қилган буюк инсон халқи томонидан албатта буюк эъзоз топиши, у бошлаган ишлар давом этиши ҳақидаги тарихий ҳақиқат, давлатимиз бошқаруви ишончли қўлларда экани яна бир бор ўз исботини топди”.

Навий вилоятдаги Зарафшон компьютер технологиялари коллежи ўқитувчиси Феруза Эшонқуллова бундай ёзади: “Юртбошимиз Ислом Каримовнинг халқимиз учун қилган буюк хизматлари ҳеч қачон унутилмайди. Юртбошимиз бошқорув бўлиб барпо этган кўркам иморатлар, кўприклар, темир йўллар, боғу роғлар, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал, овоз ва обод мамлакат авлодларимиз томонидан янада обод ва фаровон қилинишига ҳеч шубҳамиз йўқ. Негаки, бу зот янги, замонавий ўзбек давлатчилик бошқарувининг ҳам асосчиси дир. Ислом Каримовнинг халқпарвар ғоялари, бошлаб берган эзгу амаллари саф-

дошлари, шогирдлари томонидан бардавом бўлишига чин юракдан ишонаман”.

Мактублар орасида турли хорижий ташкилотлар ҳамда чет эл фуқароларидан келаётган хатлар ҳам жуда кўп. Уларда эл-юртимиз истиқлол йилларида қўлга киритган барча ютуқ ва натижалар Биринчи Президентимизнинг кутлуг номи ҳамда фаолияти билан ҳақли равишда боғлиқ экани алоҳида қайд этилиб, Ислом Каримов Марказий Осиё минтақасида ва бутун дунёда тинчлик ҳамда барқарорликни сақлашга улкан ҳисса қўшгани эътироф қилинади.

Япониянинг Васэда университети президенти Каору Камата ўз мактубидан бундай ёзади: “Васэда университети 2002 йил 30 июлда Ислом Каримов жаноби олийларига “Фахрий доктор” унвонини беришга муяссар бўлгани билан ҳамisha фахрланади.

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти сифатида 1991 йили мустақиллик эълон қилинган вақтдан бошлаб ўзининг она Ватанга буюк садоқати ва етакчилик салоҳияти билан янги, замонавий мамлакат қуриш йўлида сиёсий ва демократик ислохотларни илчил амалга оширди.

Минтақа ва мамлакат учун энг оғир дамларда Президент Ислом Каримовнинг узқони кўзлаб олиб борган сиёсий йўли, ташаббус ва амалий ишлари билан Ўзбекистон халқаро майдонда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлди”.

“Мен, Савченко Галина Петровна, Украина фуқаросиман, — деб ёзади мазкур хатлардан бирининг муаллифи. — Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, дунёнинг буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вафоти муносабати билан бутун Ўзбекистон халқига, у кишининг қариндошлари ва яқинларига чуқур ҳамдардликнинг ихзор қиламан”.

Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон халқларининг дўстлиги, аҳиллиги чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, биз қувончли ва ташвишли кунларда доим ёнма-ён, елкадош бўлганимиз ҳамда бир-биримизни беғараз қўллаб-қувватлаб келганимиз. Бу қардошлиқнинг вақт синовида ўтиши ва муттасил равишда мустақамлашиб бориши учун Ислом Каримов кўпдан-кўп амалий саъй-ҳаракатлар кўрсатган ҳамда ҳаётий ташаббуслар билан чиққан эди. Озарбайжонлик Х. Ҳожиёвнинг мактубида мана шу буюк мақсад ва эзгу интилиш ҳеч қачон сўнмаслиги, доимо тараққий этишига бўлган қатъий ишонч яққол сезилиб туради, оғир ва қайғули кунларда эл-юртимизга, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланади: “Ислом Каримовнинг барҳаёт ғоя ва қарашлари ўзбек халқининг қалбига мангу яшашига ишонаман. Улуғ ғоялар, буюк шахслар ҳеч қачон ўлмайди”.

Қирғизистон Республикаси, Ўш вилояти, Аравон тумани, Тепақўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Х. Азимов ёзади: “Мен ушбу ҳамдардлик мактубини Қирғизистоннинг чекка бир қишлоғидан туриб ёзмақодаман. Ислом Каримовнинг вафоти бизнинг қалбимизга ҳам оғир қайғу қолди келди. Ҳам-қайғунгизга шерикимиз. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жуда катта, ҳавас қилгулик ўзгаришлар бўлди. Буларнинг ҳаммасини халқпарвар Ислом Каримов амалга оширди”.

Чин юракдан битилган бундай хатлар, ёдномалар, дил ихзорларидан яна кўплаб намуналар келтириш мумкин. Уларнинг мазмунини муктасар ифода этадиган бўлсак, барча мактуб эгалари ўз ҳаёти, фарзандлари ва мамлакатимиз тақдирини Биринчи Президентимизнинг ибратли ҳаёти ҳамда бунёдкорлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб, шундан куч олиб яшаётгани аён бўлади. Ҳар бир хатнинг мазмунида чуқур қайғу ва шу билан бирга, бутун ҳаётини ўз халқи ҳамда Ватанига бағишлаган буюк Йўлбошимиз билан фахрланиш, бу улуғ зотнинг хотирасига муносиб бўлиш туйғулари ифода этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, халқимиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом Каримов барчамиз учун буюк ибрат намунаси бўлиб, ўзидан улуғ мерос қолдирди. Бу меросни кўз қорачигидек асраш ҳамда янада бойитиш бугунги ва келажак авлодларнинг муқаддас инсоний бурчидир.

А. ЖОНУЗОВ,  
У. РЎЗИКОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртимиз шаҳару қишлоқларида юзлаб янги мактаблар бунёд этилди, мавжудлари реконструкция қилинди, тубдан таъмирланди, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, жиҳозлар, компьютер техникалари билан таъминланди. Мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, болалар ҳамда ўсмирлар спорт, мусиқа ва санъ-

меҳнат қилган педагоглар, фаол ўқитувчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг шу

устоз ва мураббийларни байрам билан қўлаб, уларга бағишланган янги шеърини ўқиб берди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2016 йилда ўтказилган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови ғолибларига диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Мустақиллик — бебаҳо неъмат. У бизга кенг имконият-

## ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ КўРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли йўналтирилишини ва зарур бўлганда, аҳоли тегишли гуруҳларининг жорий эҳтиёжларига қараб маблағлар қайта тақсимланишини таъминлайди.

Депутатларнинг фикрига кўра, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, ижтимоий хизматлар кўрсатиш мониторингини олиб бориш ҳамда баҳолаш механизмларининг белгилаб олиниши ижтимоий ҳимоя тизимининг жамоатчилик назорати учун очик бўлишига имкон беради, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига кўмаклашади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини оширади. Қонун лойиҳасида назарда тутилган идораларaro ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик мамлакатимизда ижтимоий хизматлар кўрсатувчиларнинг тўлиқ рўйхатини тузиш учун асос яратлади.

Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғи-



да бир қатор хорижий мамлакатларнинг аҳоли ҳолатини қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги илғор тажрибасига эътибор қаратилди.

Қонун лойиҳасининг асосий қоидалари ҳар томонлама муҳокамадан сўнг маъқулланди ҳамда депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасига келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, қонун лойиҳасини кейинги ўқишга тайёрлаш топширилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

## Ўзбекистоннинг сайлов тизими демократик талабларга тўла жавоб беради

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, Р. Раҳендан Ўзбекистон ҳамда Малайзия ўртасидаги кўп йиллик ва самарали ҳамкорлик бачча йўналишида бундан кейин ҳам изчил раванқ топишига ишонч билдирди.

Ўз навбатида, "ОИС Today" журнали ношари ва бош муҳаррири **Мухаммад Ража Талиб** Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президент Ислам Каримовнинг халқаро ҳамда минтақавий барқарорлиқни мустаҳкамлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси тўғрисида дунё миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътибор қозонганини алоҳида таъкидлади. Унинг билдири-

шича, мамлакатимизнинг 2016 йилда Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлиги кенгашига раислик қилиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шунингдек, нашр бош муҳаррири юртимизда аҳолини миллий сайлов қонунчилиги мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш борасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилганини юқори баҳолади.

Мухаммад Ража Талиб республикада фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга ошириши учун бачча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилганини эътироф этди.

**«Жаҳон» АА.**  
Қулол-Лумпур

## Энг улуг ва шарафли касб эгаларига юксак эҳтиром

ат мактаблари, "Баркамол авлод" болалар марказлари, лицей ҳамда коллежлар, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида қўламли ишлар амалга оширилади.

Таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштириш, устоз-мураббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласи ҳам доимий эътиборда. Утган давр мобайнида таълим соҳасининг қўлаб-қўллангани Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ҳамда медаллар билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари борлиги диққатга сазовор. 1997 йилдан бундан эса юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинади.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлари, педагоглар Мустақиллик майдонини зىёрат қилиб, хуриятимиз, порлоқ истиқболимиз ҳамда эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Истиқлол йилларида шахримизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

30 сентябрь кунини Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим-тарбия соҳасида узоқ йиллар самарали

йил 29 сентябрдаги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ҳамда маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги фидойилиги ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун ўқитувчи ва мураббийлардан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Бизга алоҳида фахр бағишлайдиган жиҳати шундаки, ёшларга пухта билим бериш, уларни миллий анъана ҳамда кадриятларимизга садоқат руҳида камолга етказиш, қизиқиш ва лаёқати бўйича касб-хунарга йўналтириш тизими халқаро миқёсда ноёб модель сифатида юксак эътироф этилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси М. Шарипова, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси, Болгария ҳамда Кипрда ўтказилган талабаларнинг математика бўйича халқаро олимпиадаси олтин медаллари соҳиби Х. Этамбергенов таълим-тарбия олиш учун яратилган замонавий шароитлар, ўқитувчилар меҳнатини эъзозлаш борасидаги юксак эътибор учун давлатимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон халқ шоири С. Саййид

лар яратиб берди, меҳнатимиз кадр топди, — дейди Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйининг мусиқа фани ўқитувчиси, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови ғолиби Дилшоҳ Раҳмонова. — Бу барчамизни самарали фаолият юритишга, истиқлолимизни асраб-авайлаш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган комил фарзандларни тарбиялашдек эзгу ишларни янада қўлайлаштиришга ундайди.

— Юртимиз ёшлари интилувчан, билимга чанқок, — дейди Чилонзор педагогика коллежи ўқитувчиси Мохиргул Ашурова. — Улар орасида ўқитувчи, мураббий бўлишни мақсад қилганлар кўпчилигини ташкил этиши кўнглимизни янада тўлқинлантиради. Давлатимиз томонидан биз, ўқитувчиларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга қаратилаётган эътибордан беҳад мамнунмиз. Бунга тажриба ва маҳоратимизни мунтазам ошириб бориб, фидойи меҳнатимиз билан жавоб қайтарамиз.

Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган "Мирзо Улугбек" спектакли намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э. Боситхонова, А. Арипов иштирок этди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## БОЛГАРИЯДА ЖАМҒАРМА ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛАДИ

Тошкентда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўлаб-қувватлаш жамғармаси Болгариянинг "Another Point Adviser Co. Ltd" компанияси билан ушбу мамлакатда ўз ваколатхонасини очиб тўғрисида шартнома имзолади.

### ЭКСПОРТ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бошланган ишлар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мамлакатимиз экспорт маҳсулотини янада юксалтириш имконини бермоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўлаб-қувватлаш жамғармаси бу

ишга муносиб ҳисса қўшапти. Жамғарма кўмағида тадбиркорларимиз ўз маҳсулот ҳамда хизматларини экспорт қилиб, турли халқаро ярмарка ва анжуманларда иштирок этмоқда.

Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2016 йил 16 мартдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўлаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида"ги қарори Жамғарма фаолиятини янада кенгайтириш имконини яратди. Хусусан, Жамғармага хорижда ўз ваколатхоналарини очиб ҳуқуқи берилди. Бугунги кунда ушбу йўналишда самарали ишлар олиб борилаётир.

Жамғарманинг Болгария Республикасида ташкил этилаётган ваколатхонаси ўзбекистонлик тадбиркорларга ушбу мамлакат бозорини ўрганиш асосида ўз маҳсулотларини экспорт қилиш, ишончли ҳамкорлар топиш, Ўзбекистон ҳамда Болгария ишбилармон доиралари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатимиз тадбиркорларининг Болгарияда ўтказиладиган кўргазмалар, ярмаркалар, тендер савдолари ва бизнес-фо-

румларда иштирокини ташкил этишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, ваколатхона мамлакатимиз экспортчиларига Болгарияда боғжона тартиб-таомилларидан ўтиши учун зарур сертификатлар, лицензия ҳамда бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни олишга ёрдам кўрсатади. Болгарияда Европа Иттифоқининг бошқа давлатларига қараганда бундай ҳужжатлар учун тўловлар арзонга тушиши ва мазкур ҳужжатлар Европа Иттифоқи ҳудудида тан олиниши назарда тутилса, бу ўзбекистонлик экспортчиларга Европа мамлакатларига Болгария орқали экспорт ҳажмини кенгайтиришда қўшимча имкониятлар яратлади.

Ў.А.

Реклама ўрнида

**Ҳурматли устоз ва мураббийлар!**

**«Ўзбекнефтгаз» МКК**  
жамоаси

*Сизларни касб байрамингиз билан чин қалбдан қўтлайди!  
Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик тилайди.  
Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар изчиллигини таъминлаш йўлидаги эзгу савб-ҳаракатларингиз барқавом бўлсин!*

**«Ўзбекэнерго» АЖ**  
жамоаси

*устоз ва мураббийларни бугунги айём билан самимий муборакбод этади!*

*Сиз, азизларга узок умр, сihat-саломатлик, масъулиятми ва шарафли ишларингизга муваффақиятлар тилайди!*

# «Ўзкимёсаноат» АЖ жамоаси

мамлакатимиз  
кимёгарлари номидан устоз  
ва мураббийларни умумхалқ байрами

1 октябрь ~ Ўқитувчи ва мураббийлар кунини  
билан муборакбод этади!



Барчага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва мустаҳкам соғлиқ тилайди.  
Жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин, азиз юртдошлар!

1499R/667

# «Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси

муҳтарам устоз  
ҳамда мураббийларимизни  
буғунги айём билан  
самимий қутлайди!

Байрам шодиёнаси кунларида шуни мамнуният билан таъкидлашни истардикки, юртимизда яратилган замонавий таълим тизими туфайли ёшларимиз энг қулай шароитларда чуқур билим эгалламоқда. Навқирон авлод камолотига, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга йўналтирилган хайрли меҳнатингизга ҳар қанча таҳсин айтсак арзийди. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака тилаймиз.



1497R/133

# «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ жамоаси

мамлакатимиздаги барча  
ўқитувчи ва мураббийларни умумхалқ  
байрами билан қизғин қутлайди!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги  
йўлида олиб бораётган фаолиятингизга  
улкан зафарлар тилайди.

Азиз устозлар, сиҳат-саломатлик, оилавий  
хотиржамлик ҳамда қут-барака ҳамиша  
ҳамроҳингиз бўлсин!



Атёлимингиз муборак, шеҳридагари устозлар!

1499R/09

# «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ

жамоаси

таълим тизими ходимларини  
касб байрами билан чин дилдан  
табриклайди!

Баркамол авлодни тарбиялашдек улуғвор  
ишларингизга улкан муваффақиятлар тилайди.  
Мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-тотувлик  
ҳамда файзу барака Сизни ҳеч қачон  
тарк этмасин!



1496R/666

Халқ сўзи  
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 72 891 нусхда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Набатчи — Д. Содиқов.  
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 21.15 1 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси